



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 3 июль, № 128 (6058)

Пайшанба

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



Биз танлаган тараққиёт йўли — ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуг ва энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг кутлуг 23 йиллик шодиёналарига тобора яқинлаштирмоқда. Халқимиз она-Ватанимизнинг шонли тарихидаги ушбу буюк ва ўчмас санани муносиб кутиб олиш, уни кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, Мустақиллик туфайли асрий орзуларимиз ушалиб, ўзлигимиз қайта тикланди, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримиз тубдан ўзгарди. У ўз эркимизни қўлимизга олиб, ҳеч кимга қарам бўлмасдан, миллий манфаатларимиз, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб ашаш ва меҳнат қилишга рағбатлантирди. Натихада ўтган тарихан жуда қисқа давр ичида барча соҳаларда мислсиз ютуқларга эришилдики, бу ҳақли равишда жаҳон аҳлининг ҳавасу ҳайратига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тараққиётнинг ўзига хос йўли асосида янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар Ўзбекистонимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаш имконини берди.

Ким эди-у, ким бўлди?

Истиқлолимизнинг ҳар бир йилида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳаларида кўлга киритилган ютуқлар янада мустақамлашиб, янгидан-янги марралар забт этилапти. Бундай мислсиз ўзгаришларга ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлар эканмиз, беихтиёр ҳаётимиздан кечаги кун манзаралари бирма-бир ўта бошлайди. Уни бугунги дорилар билан кунлар билан қиёсланишимизда, қалбимиздаги тилимизга кўча бошлайди: кеча ким эди-у, бугун ким бўлди?

Яшириб нима қилдик, бизга иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хом ашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалоқатли тус олган қоқоқ республика мерос қолган эди. Аҳвол шу даражада танг эдики, унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, галла ва ҳатто мева-сабзавот ва картошка истеъмол қилиш собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда, икки баробар камайиб кетган эди!

Саноатни ривожлантириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Буни теран тасаввур қилиш учун ўша пайтларда саховатли заминимизда етиштирилган қарийб 6 миллион тонна пахтанинг атиги 8-10 фоизи ўзимизда қайта ишланганини, қолган қисми эса бошқа давлатларда қайта ишланиб, асосий фойда тайёр хом ашёни қайта ишлаган мамлакатларга келиб тушганини айтиш кифоя.

(Давоми 2-бетда).



БАХТ ОШЕНИ

Пешку туманидаги "Чибоғони" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Робия Султонова табаррук юз ёшдан ошган онахонлардан. Қачон қараманг, у кишини қишлоқдошлари, қариндошлари ва неварачеваралари даврасида кўрасиз. Ҳар куни кимдир сўроқлаб келади-да.

Чароғон кунлар қадр

Мана, яқинда "Нуроний" жамғармаси, туман хотин-қизлар кўмитаси, фуқаролар йиғинидан вакиллар келиб, ҳол-аҳвол сўраб кетишди. Бундан аянинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Шундай кезларда янада енгил тортиб кетаман, — дейди онахон. — Невараларни ёнимга олиб, "Барчангиз меҳр-оқибатли бўлинглар. Бир майизни қирқ бўлиб еган халқ зурриётларисиз. Шунинг учун кунларга осонликча етишгани йўқ. Унинг қадрига етинглар", деб насиҳат қиламан...

Робия момони тақдир не-не синовлардан ўтказмади, дейсиз? Ўтган асрнинг 30-йилларидаги очарчилик, Иккинчи жаҳон уруши давридаги қатъчилик, турмуш ўртоғи Бозор ақани фронтга кузатиб, йўлларига кўз тиккани, эртаю кеч далада машаққат чекканлари-чи, эҳ-ҳе, уларнинг қай бирини айтасиз. Шунча ғам-ташвишни ушоққина бу аёл қандай кўтарди экан?

Тақдирнинг инояти билан Бозор ақани урушдан қайтиб келди. Эр-хотин далада ишлашди. "Қуш уясида кўрганини қилади", деганларидек, ёлғиз фарзанд Бобожон ҳам меҳнатга кўнгли қўйиб улғайди. Механизаторлик касбини эгаллади. Оила курди. Бир этак фарзанд кўрди. Ҳозир пенсияда. Ўғил-қизларининг бари ўзига тинч. Бири қилангар, бири фермер хўжалиги аъзоси, бошқа бири эса хизматчи. — Яратганга шукр, — дейди Робия момо. — Менга шундай дориламон кунларни кўриш насиб этди. Юртимиз мустақилликка эришган кун ҳам худди кеч...

Мустақиллик тенгдоши

— Баъзан кексалардан халқимизнинг яқин ўтмиши ҳақидаги воқеаларни ашитганимизда, улар гўё бир пайтлар отам сўзлаган ҳикоянинг давомидек бўлиб туюлаверади, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан бири Талъат Ҳалимов. — Айтишларича, бундан ўттиз йил илгари ҳам қишлоқларда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тузуқроқ шарт-шароитлар бўлмаган. "Ҳали ўсмирлик пайтимиздаёқ тиркичилик ваҳидан қўлга кетмон олиб, далага кетардик", дейди отам.

(Давоми 2-бетда).

Франция Сенатида давра суҳбати

Франция Сенатида "Сайлов тизимини демократлаштириш ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва жаҳон амалиёти" мавзусига бағишланган Франция — Ўзбекистон давра суҳбати бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Франция Сенатининг Бош котиби Жан-Луи Эрин, "Франция — Марказий Осиё" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси, сенатор Андре Дюле, "Франция — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси, сенатор Бернадет Бурзай ва бир қатор сенаторлар, таъкид олим, нуфузли эксперт ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У. Мухаммадиев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан "Франция — Марказий Осиё" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Андре Дюле мазкур давра суҳбатининг ўтказилиши ҳам сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг фаоллашганидан ҳамда улар тобора ривожланиб бораётганидан далolat беришини таъкидлади. Бунда Ўзбекистон ва Франция парламентлари ўртасидаги доимий ташриф алмашувлари ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки бундай ташрифлар доирасида икки томонлама ҳамкорлики янада ривожлантиришга оид долзарб масалалар, шу билан бирга, минтақавий аҳами-

ятга молик масалалар ҳам муҳокама қилинадики, уларнинг ҳал этилишида Ўзбекистон муҳим роль ўйнайди. А. Дюле Европа мамлакатлари бир неча асрлар давомидаги демократик тараққиёт йўлини Ўзбекистон Республикаси сўнгги йилгирма уч йил давомида босиб ўтганини ва эришилган натижалар ҳайратланарли ҳада ишонarli эканлигини алоҳида кайд этди. "Бундай тадбирларнинг ўтказилиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлики янада мустақамлашга хизмат қилади", деди у.

Мамлакатимиз делегацияси аъзолари Ўзбекистонда парламентаризмнинг ривожланиши тамойиллари, конституциявий ислохотларнинг ҳусусиятлари, республика парламенти фаолияти, парламент ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимининг ривожланиши мавзуларига бағишланган тақдиротларни ўтказишди. Уларда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Электр корхоналари учун зарур маҳсулот

Урганч шаҳридаги техник резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Жайхун Хоразм савдо" МЧЖ жамоаси иккинчи ярим йиллик мобайнида маҳсулот етказиб бериш бўйича 10 та корхона билан 600 миллион сўмликдан ортиқ шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Айниқса, корхона маҳсулотларига электр ускуналари ҳамда трансформаторлар тайёрлайдиган ва таъмирлайдиган корхоналардан кўлаб буюртмалар тушмоқда. Хусусан, "Хоразм электр тармоқлари", "Ал-Бей-

Қуритилган мева ташқи бозорда сотилади

Чортоқ туманидаги "Намсибагробизнес" қўшма корхонасида замин неъматларини саноат усулида қуритиш йўлга қўйилди.

Эндиликда ҳудуддаги боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли томирқаларида етиштирилган ҳосилнинг маълум қисми қайта ишлаш учун мазкур корхонага топширилмоқда. Бундай имконият ишлаб чиқаришни модернизациялаш туфайли

зим", "Турон" каби йирик корхоналар жамиятининг доимий ҳамкорлари ҳисобланади. Шунингдек, корхонада атроф-муҳит мусоффолигига хизмат қиладиган яна бир ноёб лойиҳа амалга оширилди. Бу ерда кунига 40 тонна чиқинди пластмасса идишлар қайта ишланиб, гранула ва пэт толаси тайёрланмоқда.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

яратилди. Мазкур тадбирни рўёбга чиқариш учун 200 миллион сўмлик сармоа йўналтирилиб, замонавий технологиялар ўрнатилди. Мавжуд қувватлар ёрдамида йилгига 250 тоннадан зиёд қуритилган мева ва сабзавот тайёрлаш мумкин. Халқаро бозорда бундай маҳсулотга талаб катта экани боис 60 фоизини четга чиқариш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда хорижликлар билан шартномалар имзоланаётир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг тутган йўли асосли ва адолатлидир»

Барселонада "Марказий Осиёдаги трансчегара сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларининг ҳал этилиши юзасидан Ўзбекистоннинг ёндашуви" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Испаниядаги элчихонаси томонидан "Casa Asia" Испания Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар институти кўмагида ташкил этилди.

◀ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).


Бугун-чи? Ўзбекистонимиз саноати жадал суръатларда ўсиб, иқтисодий кудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди. Мустақиллик йилларида республикаимиз иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 қарра ошди, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмагандан келмоқда.

Шу ўринда ҳақиқат савол тугилди: бундай юксак натижаларга қан-

ни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарилган янги-янги саноат тармоқлари асос солинди. Шунингдек, озмиқ-овқат, энгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди. Буларнинг барчаси дунё бозорига рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда.

Саноатимизда қўлга киритилган юксак натижалар олий қад-

қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизни янада обод, халқимиз ҳаётини янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган вазифаларнинг бажарилиши, авваламбор, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ. Шу боис мустақиллик йилларида қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳоли манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилган ислохотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Юртимизнинг энг чеcca гўшалари ҳам тобора обод бўлиб, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовут камайиб бораётди.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Биз танлаган тараққиёт йўли — ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл

дай қилиб эришилди? Бу қайси омилларга боғлиқ?

Шу ҳақда фикр юритилганда, албатта, давлатимиз раҳбарининг қўйидаги сўзлари ёдга тулади: «Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз қўзлаган эзгу ниетларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликка энг олий кадрлар бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мумкин. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда».

Чиндан ҳам, дунё ҳамжамиятида «ўзбек модели» деб ном қозонган, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг давлатчилик тарихи, милли-диний қадриятлари ҳамда жаҳон таърибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўли барча ютуқларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон манфаатлари — олий қадрият

Мутахассисларнинг эътирофи эътиҳоти, иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий тарқийб ва сифат ўзгаришларини мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси ортиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Гап шундаки, ЯИМ таркибидан саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоизга тенг бўлган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан саноатни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилганлигини, унинг биз учун муҳим ва янги тармоқларига асос солингани шарофатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, истиқлол йилларида автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газ-

рият ҳисобланган инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётгани билан, айниқса, аҳолиятидир. Пировардида юртдошларимизнинг ҳаёт даражаси ўсиб, турмуш шароити кундан-кунга яхшиланмоқда. Бугунги кунга келиб, республикаимизда ашайётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий энгил автомобилга эга эканлиги, ҳар 100 та оилга ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келаяпти.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 3 августда имзоланган «Қишлоқ жойларда уй-қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, айниқса, қишлоқ аҳолисининг тураржой шароитларини тубдан яхшилаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Негаки, мазкур ҳужжатда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳолиятга молик

қиймет банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва экспертлар иштирок этгани амалга оширилаётган ишларимизнинг улкан аҳолиятини, кадр-қийметини кўрсатиб турибди.

Айтиш жоизки, инсоннинг турмуш даражаси, иқтисодий аҳолиятининг яшаш тарзида намоён бўлади. Буни бундан 20-23 йиллар аввалги қишлоқ манзаралари ва у ердаги турмуш шароити кўз олдида келтирган киши яхшироқ атайлади. Негаки, яқин-яқинда қишлоқ дейилса, гувалдан тикланган кўрмисиз уйлар, қишда лой, ёзда тупроқ кўчалар тушунилади. Қишлоқ аҳолияси саратонни лой чангаллаб, қаратонни қор қураб ўтказишга мажбур эди. Ахир паҳса деворлар, лой шувоқли томлар бир қишга дош беради-да!

Президентимиз ҳар гал «Инсон ҳаётга бир марта келади, шундай экан, умрини ҳар жиҳатдан муносиб, тинчлик-осойишталик, фаровонликда ўтказиши керак», дея айтган экан, қишлоқ жойларда пишиқ гиштдан кўрккам уйлар қуришни қўлайтириш кераклигини қайта-қайта ўқтирадилар. Истиқлол йилларида шундай кўрсатмалар асосида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган туфайли қишлоқлар қийфаси сифат жиҳатдан яхшилланиб бораётди. Қишлоқларимизнинг бугунги

жамоли билан кечаги кўринишини асло таққослаб бўлмайди. Аҳолияи тураржойлари ва ижтимоий соҳа иншоотлари замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаётди.

Фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 900 дан зиёд янги уй-жой массивлари барпо этилди, намунавий лойиҳалар асосида майдони 4,5 миллион квадрат метр бўлган 33,5 мингдан ортиқ яқна тартибдаги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойлардаги янги массивларда 750 километрлик автомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари, 1,2 минг километрлик электр ва газ тармоқлари, 800 дан зиёд ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объеклари бунёд қилинди.

Илгари тураржойлар ва ижтимоий соҳа объекларини қуришда миллий анъаналар, маданиятимиз у ёқда турсин, ҳатто табиий-иқлим шароитлари ҳам эътиборга олинмас, қурилиш материаллари етишмаслиги туфайли биргина уй-жойни қуриб битказиш азобдан бошқа нарса эмасди.

Эндиликда аҳолиянинг қурилиш материаллари излаб, ҳали у кам, ҳали бу етмайпти, деб елиб-югуришига ҳоҳат йўқ. Бир неча вариантлардаги лойиҳалардан ўзига маъқулни танаб, бюртмачи билан шартнома имзолайди, холос. Уй хонадон сохибиға компания томонидан «калит билан» топширилади.

Саид РАХМОНОВ.

Франция Сенатида давра суҳбати

◀ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Европа ишлари бўйича қўмитанинг аъзоси, сенатор Эммери де Монтексье Франция томони Ўзбекистонда миллий давлатчилик, хусусан, парламентаризм ривожланишини таъриқлашни билдириб, бунда Франциянинг ҳуқуқий таърибаси ҳам ҳисобга олинган кувонарли эканлигини маълум қилди.

— 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонликда ўзаро аҳил бўлиб яшайтган Ўзбекистонда барча ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асослар яратилган, — деди у. — Миллатлар ва қандай динга эътиқод қилишдан қатъи назар, мамлакатнинг барча аҳолияси ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан эркин фойдалана олади.

Европа ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари, «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси, сенатор Бернадет Бурызай ҳуқуқий демократик давлат барпо қилинишида ҳокимият бўлиниши тамойиллари катта аҳолияи касб этишини таъкидлади. Шу билан бирга, қўпгина экспертларнинг фикрича, мазкур тамойил ҳокимият тармоқлари ўртасидаги кооперация ёки ҳамкорликни эмас, балки уларнинг ягона мақсад йўлидаги умумий фаолиятини, яъни давлатчилик қуришда биргаликдаги ҳаракатини назарда тутди. Бу Бурызай давлат бошқаруvinинг демократлашувида давлат парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳолияи касб этишини айтди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминланиши соҳасида Ўзбекистонда эришилган муваффақиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам давра суҳбати иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Сенат Бош котиби Жан-Луи Эрин ушбу масалага доир савол билан мурожаат қилди.

Шу муносабат билан фу-

қароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қафолатлангани, мамлакат Президенти эса Конституцияга ва инсон ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этилишининг қафолати эканлиги қайд этилди. Бундан ташқари, мамлакатда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ каби институтларнинг таъсис этилгани ташкилий-ҳуқуқий механизملарни яратиш ва амалга ошириш, уларга риоя этилиши устидан тизимли мониторинг олиб боришни таъминлаш ишонини берди. Бунда 1997 йилдан бошлаб таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари бўйича курслар ўқутилаётгани катта аҳолияиға эга. Улим жаҳозининг беқор қилиниши, «Хабёас корпус» институтининг жорий этилиши ва суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви халқаро миқёсда катта асқ садо берди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мужбири давра суҳбатининг бир неча қатнашчилари билан суҳбатда бўлди. Улар Ўзбекистонда сайлов ва парламент тизимининг ривожига оид фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ив Поззо ди Борго, Франция Сенатининг Халқаро масалалар, мудофаа ва қуроли кучлар бўйича қўмита раиси ўринбосари, сенатор:

— Франция сенаторлари Ўзбекистоннинг парламентаризми ривожлантириш, сайлов тизимини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур институтининг ҳукумат бошқаруви ҳамда сайлов жараёнида иштирокини таъминлаш бўйича таърибаси, мамлакатимиз Конституциясиға киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар билан танишдилар. Алоҳида таъкидлашни истардимиз, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида барқарорлик сақланишининг қафолати ҳисобланади. Шу муносабат билан жорий йил 16 октябр кўни Франция Сенати томонидан Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган коллоквиум ўтказилиши режалаштирилаётганини маълум қилишни истар эдим. Унга французлик ва халқаро экспертлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг вакиллари тақлиф этилди.

Ги Оливье Фор, халқаро муносабатлар бўйича эксперт, Париж V университетининг профессори:

— Франция Сенатида ўтказилган давра суҳбати ҳар томонлама ахборотларға бой ва самарали бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Франциянинг 200 йилдан зиёдрок давр мобайнида парламент тизими таърибасини ҳар томонлама ўрганишга бўлган иштироки катта ҳурматга сазовордир. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг конституциявий ва демократик қурилиш таърибаси билан батафсил танишиш ҳамда мамлакатнинг 23 йиллик мустақил тараққиёти давомида қўлга киритган муваффақиятларини баҳолаш Франциянинг сенатор ва экс-

пертлари учун ҳам факултета да муҳимдир.

Мамлакатимиз қўп партиявийлик асосида демократлаштириш йўлидан инсон билан қадам ташламоқда ва изчил тараққий этаётди. Жамиятда аёлларнинг ўрни тобора юксалимоқда, фуқаролик жамияти институтлари шаклланаёпти. Тараққиётнинг миллий «ўзбек модели» яратилгани кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсатни иритиш, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро баҳамжихат истиқомат қилаётган мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш ишонини берди. Шу боис Ўзбекистон минтақа мамлакатлари учун намуна ҳисобланади, деб айтсак, асло муболага бўлмайди.

«Жаҳон» АА. Париж

Қисқа сатрларда

• Гулистон шаҳрида «Олтин водий» меҳмононаси ишга туширилди. Банкнинг 300 миллион сўмлик имтиёзи кредити эвазига бунёд этилган мазкур иншоот қирқ ўринга мўлжалланган.

• Қибрай туманидаги Байтқўргон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежида Тошкент вилояти Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармасининг 2013/2014 ўқув йили қўнларига бағишланган йилгилиши бўлиб ўтди.

• Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Олима аёллар» уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Аёл ва бугунги дунёнинг илм-фани» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Наманган санъат касб-хўнар коллежида ташкил этилган «Оқ йўл, сенга, битирувчи!» деб номланган тадбирда ёш мутахассислар диплом билан бирга, меҳнат дафтарчасига ҳам эга бўлди. Шу кунги коллежини битирган 180 нафар ёш мутахассисға уч томонлама таъилган шартномаға мувофиқ, маданият, санъат, таълим муассасаларига ишлаш учун йўлланма берилди.

• Навоий шаҳрида «Навоий омад сервис» хусусий корхонаси иш бошлади. Ун турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрлашға иқтисослаштирилган бур корхонаға касб-хўнар коллежи битирувчилари ҳам ишға жалб қилинди.

Миллий қадриятлар ва тарбия

Самарқанд шаҳрида «Соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

ТАДБИР

Республика байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда сузға чиққанлар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш,

юртимизда қарор топган миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашға катта эътибор қаратилаётганлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Самарқанд вилоятида юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, ягона оила фарзандларидек ҳаёт кечириб келишмоқда. Ҳар бир миллат вакиллари ўзларининг азал-азал урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаши ҳамда ривожлантириши учун

етарли шароит яратиб берилган. Яқунда вилоятда фаолият кўрсатган миллий маданият марказлари бадий ҳаваскорлари томонидан дўстлик, тинчлик, осуда ҳаёт ва Ватанини маҳқ қилувчи куй-қўшиқ ҳамда рақслар ижро этилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қонунийлик принципага риоя этиш — бош мезон

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида Олий Мажлис, ҳақ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларға сифатли тайёргарлик кўришни ташкил этиш масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

СЕМИНАР

Унда Тошкент шаҳар ва вилоят сайлов комиссиялари раислари ҳамда аъзолари, парламент қўйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати аъзолари, вазирликлар ва идоралар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат қурилиш академияси, Тошкент давлат юридик университетини олимлари, мутахассислар, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этди. Таъкидланганидек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепцияси доирасида сайловға оид қонунчиликға қатор ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди. Булар сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга ошириш, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштириш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларға тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини кўнатириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиқлиги, шаффоғлиги принципларини мустаҳкамлашға қаратилгандир. Семинарда демократик сайловға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича халқаро стандартлар,

ниши мазкур жараёнларда демократия, очиқлик, ошқоралик ва қонунийликка риоя этилишининг муҳим қафолатига айланди. Семинар давомида сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов тўғрисидаги қонунларға киритилган янги қоғдалар, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти хусусиятлари, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларға сайловда ташкил этилган аҳолияи таъминловчи ўз ҳоши-иросадасини эркин билдириши, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи қафолатларини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди. Давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашуvinинг сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мақомаининг конституциявий жиҳатдан янада мустаҳкамла-

Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

◀ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Томидан чакки ўтадиган синфхона, ёзда тупроғи тўпикчада ботадиган кўчалар, бунун бошли қишлоқда атиги бир-иккита автомашина бўлгани ҳақида айтганлари худди эртанки эслабди. Мустақиллик тенгдоши бўлган Талъат сингари ёшлар учун у дамлар эртатка

Чароғон кунлар қадри

ўқшаши бор гап. Лекин ҳақиқат шундаки, ёзда чанг, қишда лой босган кўчалар бугун равон ва обод йўлларға айланган. Мактаб, лицей, коллежлардаги шарт-шароит кўрса, ҳавас қилгулиқ даражада. Қишлоқ ёшлари бунун вақтини замонавий спорт иншоотларига ўтказмоқда. Биргина мисол, Робия мома яшайдиган қишлоқда истиқлол йилларида намунавий лойиҳалар асосидаги тураржойлар, савдо ва сервис хизмати шохобчалари қад ростлади. Умумтаълим мактабининг қўш қаватли янги биноси қурилиши поёниға етказилмоқда. Қишлоқдаги девяли ҳар бир хонадонда юртимизда ишлаб чиқарилган энгил автомашини бор.

Талъат улғайган Ромитан туманидаги Челонгу қишлоғини айтмайисими? Бу ерда кейинги йилларда бунёд этилган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, спорт майдончаси, туй-маросим заллари, савдо шохобчаси, замонавий қиёфадаги мактаб, педагогика коллежи қадимий қишлоқнинг қиёфасини тубдан ўзгариштириб юборди. Талъат ана шундай тўқис шарт-шароитда ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишди.

Дарвоқе, унинг отаси Тўра Ҳалимовни вилоятда яқши танишди. Тўра ака юртимиз тарихининг билимдонларидан. Ромитаннинг ўтмиши ва бугунги кун ҳақида кўплаб ривоятлар битган бу инсон, бир неча йилдирки, Бухоро давлат университетини қошидаги 4-академик лицейда ёшларға сабоқ бериб келмоқда. Ёшларни истиқлол гоғларига ҳамда она-Ватан-

га садоқат руҳида тарбиялашдек шарафли ишға қўшган ҳиссаси учун давлатимиз раҳбари томонидан «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланган. Талъатға келсак, у яқинда Бухоро давлат университетининг магистратура бўлимининг тугатди. Худди отаси каби тарихни, Ижодкорлиги ҳам бор. Ҳикоялар ёзиб туради. Ёш ижодкорларнинг Дўрмонда бўлиб ўтган республика семинари иштирокчиси. «Юрт келажаги» таловининг вилоят босқичида эса гоғилар қаторидан жой олди. Унинг муҳим фазилати — китоб қўлидан тушмайди. Робия момага ўқшаган табаррук ёшдаги инсонлар ҳикояларини жон қўлоғи билан тинглайди. Ёш авлод таълим-тарбияси билан шуғулланишини ниёт қилган ҳар қандай киши учун бу жуда зарур, деб ҳисоблайди. Токи, истиқлол йилларининг фарзандлари бугунги дорилеамон кунлар қадрини, Ўзбекистон деган юрт, чиндан ҳам, бахт оширни эканлини янада чуқурроқ англаб етишин. Ахир шундай юртда яшамоннинг ўзи мислсиз бахт эмасми?!

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Дунё бўйича ҳар йили қарийб 300 миллион тонна пластикдан фойдаланилар экан. Уларнинг 0,1 фоизи дарёлар, кўллар орқали ёки бўронлар, сув тошқинлари ва инсон омили таъсирида чиқинди сифатида океанларга бориб тушади.

Фаройиб тахмин

Австралиялик олимлар ўтказган тадқиқотларга қараганда, ана шу ашёларнинг 99 фоизи қандайдир йўллар билан сувда гойиб бўлади. Лекин қаерга? Бу ҳозирча номаълум. Мутахассислар балки уларни ёкиликлар еб қўётгандир, деган қизик тахминни ҳам билдиришмоқда. Аммо мазкур қараш ҳам ҳали тўлиғича ўз тасдиғини топгани йўқ. Шу боис изланишлар яна давом эттирилмоқда.

Ишсизлар сони камаймоқда

Германияда июнь ойи якунларига кўра, ишсизлик даражаси 6,5 фоиз камайди.



жиддий муаммоларга дуч келинмади. Шунга қарамай, мутахассислар бу рақамни Европа Иттифоқи мамлакатларида яратилган иш ўринлари билан қиёслашса, икки барабар оз эканлиги маълум бўлди. Хукумат янги иш ўринлари яратиш мунтазамлигини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар дастури самарадорлигига янада кучли эътибор қаратишини билдирган.

Робот — диктор ва суҳбатдош

Халқаро кўргазмалардан бирида янгиликлар диктори сифатида чиқиш қиладиган дунёдаги биринчи робот-андرويد тақдим этилди. Бу ҳақда "The Japan Times" нашри хабар қилди.



"Otonaroid" ва "Kodomoroid" деб номланган мазкур қуроллар бажариш қобилиятига эга. Биринчи андроид умумий мавзуларда бемалол суҳбатлаша олади. Иккинчи андроид эса янгиликлар дастурининг дунёдаги биринчи робот-суҳбатдон хисобланади ва телеканалларда бемалол ишлаши мумкин. Бу роботлар ташқи кўринишдан одамга жуда ўхшаш, аммо тирик телебошловчилардан кўра кўпроқ профессионал имкониятларга эга. Улар янгиликларни кенг спектрли интонация билан турли овозларда ўқийди ва бир тилдан иккинчисига осонгина ўтиб кетади.

Автобус биоёқилгида ҳаракатланади

Япониянинг Фудзисава шаҳрида биоёқилгида мослаштирилган илк автобуслар ҳаракатлана бошлади.



қарувчи "Isuzu" ва "Euglena" компаниялари билан ҳамкорликда яратилди. Мутасаддиларнинг айтишича, тўрт йилдан сўнг 100 фоиз сув ўтлари ёрдамида ишлаб чиқариладиган биоёқилги технологияси йўлга қўйилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА КҮМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

«Teksan», «Wilson» ва «Kipro» русумли дизель генераторларига техник хизмат кўрсатиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда ҳамда устки қисмига «Дизель генераторларига техник хизмат кўрсатиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт.

Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

Танлов бўйича тақлифлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун муддатда қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларининг баҳоси — 96 105 сўм (танлов ҳужжатлари учун ўтказилган пул қайтарилмайди).

Кўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент ш., Дархонтепа к., 7-«А» уй. Телефон: (8-371) 120-86-25.

Х/р: 21506000400189856007, МФО: 00014, ОКОНХ: 97200, СТИР: 200542017 ЎЗР МБ Тошкент ш. ББ ХККМ.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Бугун ҳамюртларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, яратувчанлик, бунёдкорлик ҳисси билан яшамокда. Равон автомобиль йўллари, замонавий уй-жойлар, мёмо-рий жиҳатдан бир-бирини тақдорламайдиган, миллий анъаналар уйғунлашган иншоотлар, анвойи гуллар, манзарали дарахт кўчатлари ва кўркам фавворалар билан ўзгача чирой очган сўлим масканлар — буларнинг барчаси ана шу яратувчанлик маҳсулидир.

Экологик экспертиза

атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарорлигининг муҳим шарти

Албатта, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини изчил олиб боришда экологик қонунчиликнинг алоҳида ўрни бор. Унинг таркибий қисми ҳисобланган экологик экспертиза — атоф-муҳит барқарорлигини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ўтган йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни экологик қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат-таҳлил ишларини тақомиллаштиришда айна мўддао бўлди. Ушбу Қонуннинг 20-моддасида белгилаб қўйилганидек, давлат экологик экспертизаси — давлат

экологик назоратининг, экологик аудит — ишлаб чиқариш экологик назоратининг, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш эса жамоатчилик экологик назоратининг шаклларида ҳисобланади. Айтиб ўтганимиздек, экологик экспертизани амалга ошириш учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Табиати муҳофазаси тўғрисида"ги Қонунининг 24, 25 ва 27-моддаларида унинг ҳуқуқий асослари белгиланди. Шунингдек, 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йилга мўлжалланган қонун ташаббускорлиги, назорат-таҳлил ишлари режасига мувофиқ, Экология ва атоф-муҳитни муҳофазаси қилиш масалалари кўмитаси

ҳамда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан жорий йилнинг апрель ойида "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуннинг Андижон ва Хоразм вилоятларидаги ижроси ўрганилиб, унинг якунлари атрофича муҳофазаси этилди. Назорат-таҳлил фаолиятида Қонун доирасида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ушбу ҳуқуқий ҳужжат талаблари асосида Андижон вилоятида 2011 — 2013 йилларда 7 минг 357 та, Хоразм вилоятида эса 4 минг 570 та экологик экспертиза объектининг лойиҳа ҳужжатлари давлат экологик экспертизасидан ўтказилиб, тегишли хулосалар берилди. Ушбу вилоятларда мазкур йўналишда эътирофга лойиқ ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланиб, тегишли тақлиф ва тасвиялар ишлаб чиқилди. Чунки, ҳар икки ҳудудда автомобиль йўлла-

ридан фойдаланиш бошқармалари ва бошқа ташкилотлар томонидан қурилиш объектлари лойиҳалари давлат экологик экспертизасидан ўтказилишига эътибор кучайтирилиши лозим. Қонуннинг 21-моддасида давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳалар-

лаштириш топшириқларидан айрилари билан танишиб чиқилди. Мазкур архитектура-режлаштириш топшириқларида давлат экологик экспертиза хулосаси талабларига риоя этиш кўрсатиб ўтилган. Ўз навбатида, лойиҳалаш жараёнида атоф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва бошқа экологик талабларни амалга оширишни белгилаб қўйиш, қурилиш объектларининг ишчи лойиҳаларида ва харажатлар сметасида атоф-муҳитни муҳофазаси қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларга эътиборни кучайтириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Назорат-таҳлил якунида депутатлар томонидан ушбу Қонун ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймастик лозимлиги таъкидланиб, кўмита ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди. Унда, жумладан, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини сўзсиз таъминлаш, мазкур ҳуқуқий ҳужжатни янада тақомиллаштиришга қаратилган аниқ тақлиф ҳамда тасвиялар ўрин олди.

Мухтасар айтганда, экологияга оид қонунчиликнинг бажарилиши устидан қатъий парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш, экологик барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тоҳир ТОШБОВЕ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Интенсив боғлар баракаси



— Боғимизни 2012 йилда ташкил қилганмиз, — дейди тажрибали деҳқон, жамият асосчиси Қаримжон ота Носиров. — Ушунда 6 гектар майдонга пакана пайвандли 4 хил навадаги 5300 туп олма ҳамда 700 туп нок кўчати эккан эдик. Қарангки, бир йил ўтгач, бу дарахтлардан 30,5 тонна мева йиғиштириб олиб, уни сотишга

Дарҳақиқат, мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, боғдорчиликда янгича усулларнинг жорий қилинаётгани деҳқонларимизнинг оғирини енгили қилиш баробарида, уларга юқори даромад олиш имконини бер-

моқда. Масалан, ўтган йили мазкур жамиятнинг олти гектарлик иссиқхонасидан 15 минг АҚШ долларидек кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Қолаверса, бу ерда помидор, бод-ринг, булғор қалампир каби экинларнинг кўчатлари ҳам кўпайтирилиб, тумандаги ўнлаб фермер хўжалиқларига етказиб берилаяпти. Шу билан бирга, жамиятга қарашли фермада 150 бош зотдор қорамол парваришланмоқда.

— Худудимизда 2011 йилдан бошлаб интенсив боғ ва тоқзорлар яратишга киришилган, — дейди Андижон вилояти кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мева-сабзавотчилик бўлимининг бошлиғи Абдумуталлиб Сулаймонов. — Ушунда 125 гектар майдонда турли кўчатлар ўтказилган эди. Жорий йилда эса боғлар 368 гектарга етказилди. Шунга мос равишда етишти-

риллаётган ҳосил мқдори ҳам тобора кўпаймоқда.

Мазкур соҳа ҳақида гап кетганда, У. Мансуров номидаги тажриба хўжалиги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, бу ерда, мана, бир неча йилдирки, пакана ва яримпакана навларни ўзимизда етиштириш бўйича изланиш олиб борилаётди. Қувонарлиси, тажриба амалда ўзини оқлаб, кейинги уч йил ичида шундай навларга мансуб олма ва нок кўчатларидан 350 минг тупи ўстирилди. Келгусида бу кўрсаткични йилга 200 минг тупга етказиш режлаштириляпти.

Хулоса ўрнида айтганда, Андижон вилоятида боғдорчилик борасида амалга оширилаётган ишлар амалда ўз натижасини бермоқда. Ҳақиқатан ҳам боғдорчилик меҳнати туфайли дастурхонимиз ил давомида сархил мева-саларга тўлаётди. Буларнинг бари юртимизда тармок ривожи учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар самарасидир, албатта.

Сайдахмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёш тадбиркорнинг бизнес режаси

Суҳроб Бўронов Фузур кишлоқ хўжалик касб-хуна қоллежиде таҳсил олиб юрган давридаёқ устозлари кўмағида ўз тадбиркорлик лойиҳасини ишлаб чиққан эди.

ИЗЛАНИШ

Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган "Зангтепа давр" МЧЖда банкнинг 39 миллион сўмлик кредити ҳисобидан хўжалик ва косметик совун тайёрланмоқда.

— Ёш тадбиркор — элга мададкор таловида ушбу лойиҳа билан қатнашдим, — дейди ёш тадбиркор. — Бизнес-режама ҳайрат аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. "Камолот" ЕИХ эса уни молиялаштиришга тавсия этди. Натижада ҳозир пальма дарахти ёғи аралаштирилган 3-4 турдаги совун ишлаб чиқарялғимиз. Пальма ёғи совун сифати ва қаттиқлигини оширибгина қолмай, унга хушбўй ҳид ҳам бахш этади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ. миллий валютада мўддатли янги омонат амалга киритилганлигини маълум қилади. «ЎЗГИ» Сақлаш мўддати — 2 йил. Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди. Ҳисобланган фоизлар миқдор истагига кўра, бўнак сифатида ёки омонат мўддати тугагандан сўнг тўланади. Омонатга маблағ қабул қилиш 2014 йил 1 сентябрга қадар амалга оширилади. Бундан ташқари, миллий валютадаги «Жасорат» омонатининг мўддати узайтирилганлигини ва хорижий валютадаги «Матлуб» омонатининг қайта амалга киритилганлигини маълум қилади. Жамғармаларнинг бошқарилишини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз! Кўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин. www.nbu.com Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади. 1. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 28 мартдаги 12-1309/3494(4)-сонли ва бир неча суд буйруқлари, 2013 йил 18 апрелдаги 12-1313/2470-сонли, 2013 йил 4 ноябрдаги 12-1304/9493-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Иссиқлик манбаи» ИЧДҚга тегишли, Гулистон шаҳри, 4-мавзе, Бўстон маҳалласида жойлашган, майдони 561,88 кв.м. бўлган 0001-литердаги идора биноси ва 0002-литердаги соябонли пиллапога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 984 977 421 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 5 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мўддати — 2014 йил 18 июль куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Фарғона вилояти филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

1. Аукцион савдосига Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 8 майдаги 15-14-04/3422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, Тошкент кўчаси, 129-уйда жойлашган бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 215 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 8 майдаги 15-14-04/3423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, Тошкент кўчасида жойлашган бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 258 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 6 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мўддати — 2014 йил 4 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 244-46-39. www.1kms.uz rieltssavdo@inbox.uz Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси жамоаси етакчи мутахассис Гулчехра Адиловага падири бузруквори РИХСИВОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихрор этади.

Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-сонли Марказий поликлиникаси жамоаси шифокор-педиатр Марғуба Умарова волидан муҳтарамаси Маҳбуба ФАЙЗИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихрор этади.

